

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

АСОСИЙ ШАРҚ ТИЛИ (араб тили)

ўқув қўлланма

Тошкент - 2021

И.Мирзиётов. АСОСИЙ ШАРҚ ТИЛИ (араб тили). 5120100-Филология ва тилларини ўқитиш (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши 2-курси учун ўқув қўлланма. –Т.: ЎзХИА. 2021.

Мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистон халқаро ислом академияси 5120100-Филология ва тилларини ўқитиш (шарқ тиллари бўйича) таълим йўналиши 2-курсида таълим олаётган талабалари учун мўлжалланган.

Ўқув қўлланма араб тили хорижий тил ҳисобланган гуруҳларнинг ўқув машғулоти ҳамда мустақил ишларини таъминлашга қаратилган.

Масъул муҳаррир: Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти “ал-Азҳар”
кафедраси доценти, ф.ф.н. А.Б.Абдуллаев

Такризчилар: Тошкент давлат шарқшунослик университети
Араб филологияси кафедраси доценти,
ф.ф.н. С.С.Касимова

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти “ал-Азҳар”
кафедраси доценти в.б., т.ф.н. Ю.А.Исмаилова

Мазкур ўқув қўлланма ЎзХИА ўқув услубий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган. (Баённома № ...)

О'зХИА Илмий, о'quv-uslubiy kengashning 2021 yil 5 iyuldagi 18- son majlis qarori

КИРИШ

Республикамизда босқичма-босқич демократик тамойилларнинг устиворлигига асосланган янги жамиятни қуришга йўналтирилган ислохотлар доирасида таълим-тарбия ишларига катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётини таъминлаб берувчи асосий омил сифатида намоён бўлиб, ушбу ҳужжатларда замон талабларига мувофиқ бўлган барча шарт-шароитлар ва ҳаммадан аввал инсон манфаатларининг устуворлигини таъминловчи имкониятлар, унинг эҳтиёжларини амалга ошириш масалалари билан бир қаторда рақобатбардош, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш асослари белгилаб қўйилган.

Давлатимизнинг хорижий шарқ мамлакатлари билан ижтимоий, сиёсий, маданий ва иқтисодий алоқалари мустаҳкамланиб бораётган бир пайтда чет тилларини, жумладан, шарқ тилларини мукамал билувчи ёш кадрларга эҳтиёж ортмоқда. Шу муносабат билан бугунги кунда кадрларнинг бир нечта тил билишлари долзарб масалалардан бирига айланди. Бу мавзу, ҳатто давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ”Мамлакатимизда хорижий тилларни ўргатиш бўйича келажак учун мустаҳкам пойдевор бўладиган янги тизимни йўлга қўйиш вақти-соати келди. Биз рақобатбардош давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бундан буён мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрти битирувчилари камида 2 та чет тилини мукамал

билишлари шарт. Бу қатъий талаб ҳар бир таълим муассасаси раҳбари фаолиятининг асосий мезонига айланиши лозим”¹ ,- деб таъкидлади.

Бу эса ўз навбатида чет тиллари бўйича янги-янги дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишни тақазо этади.

Ушбу “Араб тили” бўйича ёзилган қўлланма бакалавриат йўналишида таҳсил олаётган Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Психология” йўналишининг биринчи курсларига мўлжалланган. Ундаги мавзулар ушбу йўналиш фан дастури асосида тайёрланган. Мавзулар икки хилда: айримлари бир умумий ном остида кичик бўлимларга бўлинган ҳолда, бошқалари эса, масалан, сўз туркумига оид бўлган мавзулар кенгайтириб берилган. Яъни, алоҳида батафсил тарзда ёритилган.

Қўлланмада ҳар бир грамматик мавзуни мустаҳкамлаш учун турли хилдаги машқлар, матнлар берилган ҳамда уларда фойдаланилган янги сўзлар орқали ўқувчи луғат бойлигини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Машқлар талабаларга ўтилган мавзуни мутаҳкамлаш, тил билиш талабларига қўйилган ўқиш ва ёзиш кўникмаларини ҳосил қилиш ва турли мавзуларда суҳбатлаша олиш малакасига эга бўлишларига ёрдам беради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 6 май куни чет тилларини ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора тadbирлари юзасидан ўтказган видеоселектридаги нуткидан.

АРАБ ТИЛИДА КЎПЛИК

Дарснинг мақсади:

1. Араб тилида сон категорияси борасида маълумот бериш, талабанинг дарсда олган билимларини мустаҳкамлаш.
2. Талабаларда нотаниш матн ҳаракатларини қўйиб ўқиш ва уни тўғри таржима қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш.

Таянч иборалар: *синиқ кўплик, қолип, мослашув, турланмаслик, сўз туркуми.*


Араб тилида исмлардан икки турдаги кўплик сони ясалади:

1. Тўғри кўплик;
2. Синиқ кўплик.

Синиқ кўплик яшашнинг жуда кўп турлари мавжуд. Баъзи сўзлардан бароварига бир неча вариантларда синиқ кўплик ҳосил қилиш ҳам мумкин. Бирликдаги сўзлар синиқ кўпликка айланаётганда аниқ бир қолипга тушмайди. Улар луғат орқали ёдлаб қолиш билан ўзлаштирилади. Синиқ кўплик ҳосил қилиш йўллари қуйидагича:

1. **فَاعِلٌ** қолипидан **فَعْلٌ** қолипи орқали синиқ кўплик шакли ҳосил қилинади;

Масалан:




Масалан:



6

Масалан:



Синиқ кўпликдаги отлар танвинсиз ُ_ дамма билан тугаса улар икки келишикли ҳисобланади яъни уларнинг қаратқич ва тушум келишиклари бир хил бўлади.

Масалан:

Бош келишик	جرائدُ
Қаратқич келишиги	جرائدَ
Тушум келишик	

Фақатгина изофанинг бир бўлаги ва ال олса, уч келишикликга айланади:

Бош келишик	الجرائدُ
Қаратқич келишик	الجرائدِ
Тушум келишик	الجرائدَ

Мослашувда синиқ кўплик умумий қоидага бўйсинади. Яъни аниқланмиш билан аниқловчи тўлиқ мослашади.

Масалан:

الرجال العقلاء

Аниқланмиш ғайри оқил бўлса, аниқловчиси одатдагидек муаннас бирликда берилади.

Масалан:

البيوت الجديدة

Аниқловчи вазифасида кўрсатиш олмошлари келганида юқоридаги қоида тўлиқ сақланади.

Масалан:

هؤلاء الرجال

هذه البيوت

1-машқ. Қуйидаги текстни ўқинг ва ўзбек тилига таржима қилинг:

النص الأول: القدس

لمدينة القدس منزلة خاصة في تاريخ البشرية، فهي من الناحية التاريخية من أقدم مدن العالم أما من الناحية العقائدية فهي تعتبر مهوى أفئدة أكثر

من نصف سكان العالم، من المسلمين والنصارى واليهود. ففيها الكثير من الأماكن المقدسة والآثار القديمة التي لها منزلة عظيمة في تاريخ البشرية. إنها أرض الأنبياء وموطن الرسالات. وأما من الناحية الإستراتيجية فإن موقع القدس في هذه الأراضي يكسبها أهمية خاصة. فمنها تنتشر الطرق إلى (رام الله) و(نابلس) وشرقا و(بيت لحم) و(الجليل) غربا والبحر الأبيض المتوسط شمالا ومنطقة (أريحا) و(الأغوار) جنوبا.

أما من الناحية السياسية فإن مشكلة القدس تعتبر من أقعد المشكلات السياسية في العصر الحديث. استعصى حلّها على جميع الأطراف المعنيّة.

القدس قسمان: القدس القديمة والقدس الجديدة. أما القدس القديمة فهي التي تقع على جبل (موريا) ويحيط به سور قديم من جهتها الأربع. وفيها كل المقدّسات الإسلامية والمسيحية، كالمسجد الأقصى وقبة الصخرة وكنيسة القيامة وتتميّز مبانيها بطراز شرقي قديم. أهمّ الأماكن الإسلامية بالقدس الحرم الشريف ويضم مسجدي الأقصى والصخرة، تلك الصخرة التي عرج بالنبي (ص) من فوقها إلى السماء ليلة الإسراء والمعراج.

2-машқ. Қуйидаги сўз ва ибораларни ёд олинг:

احفظ الكلمات والعبارات الآتية:

Инсоният тарихи	تَارِيخُ الْبَشَرِيَّةِ
Муслмон	مُسْلِمٌ

Энг азиз	مَهْوَى أَفئِدَةٍ
Насроний	نَصْرَانِيٍّ (نَصَارَى)
Яхудий	يَهُودٌ
Жой, ўрин, ер, макон	مَكَانٌ (أَمَاكِنُ)
Ер	أَرْضٌ (أَرَاظِي)
Пайғамбар	نَبِيٍّ (أَنْبِيَاءُ)
Ғоявийлик, ғояга оид	عَقَائِدِيَّةٌ
1) эътиборга сазовор қилмоқ; 2) деб билмоқ, деб ҳисобламоқ	إِعْتَبَرَ
Севиладиган нарсa ёки одам	مَهْوَى
Стратегик	إِسْتِرَاطِيَجِيَّةٌ
Тарқалмоқ	انْتَشَرَ
Ўрта ер денгизи	الْبَحْرُ الْأَبْيَضُ الْمُتَوَسِّطُ
Норозилик билдирмоқ, бўйсунмаслик	اسْتَعْصَى
Девор, тўсиқ, ғов	سُورٌ (أَسْوَارٌ)
Ўраб олмоқ, қамраб олмоқ	أَحَاطَ
Ажралиб турмоқ	تَمَيَّزَ
Ақсо масжиди	الْمَسْجِدَ الْأَقْصَى
“Сахро (тош) гумбазли” масжиди	مَسْجِدُ "قُبَّةِ الصَّخْرَةِ"

Қиёмат черкови	كَنِيسَةُ الْقِيَامَةِ
Намуна, марка, тип, система	طِرَازُ (طُرُزُ، أَطْرَزةً)
Таркибида бирор нарса бўлмоқ, ўз ичига олмоқ	ضَمَّ

3-машқ. Матн юзасидан топириқлар:

1. Матндаги янги сўзларни ўзлаштириб, уни таржима қилинг.
2. Матннинг мазмунини сўзлаб беринг ва матн юзасидан саволлар тузинг.
3. Матнда учраган исмларнинг кўплигини топинг.

4-машқ. Қуйидаги текстни ўқинг ва ўзбек тилига таржима қилинг:

النص الثاني: القاهرة

القاهرة مدينة صافية السماء، جيدة الهواء على الشاطئ الشرقي لنهر النيل المبارك. بناها جوهر الصقلي أكبر قواد المعز لدين الله الفاطمي سنة تسع وخمسين وثلاثمئة للهرة النبوية. وكانت حين أُسست لا تتجاوز حي خان الخليلي والأزهر ثم أخذت تتسع حتى وصلت إلى ما عليه الآن. وهي حاضرة الديار المصرية وأعظم مدينة في القارة الأفريقية وبها آثار قديمة ومبان حديثة شاهقة ومدارس متنوعة: ابتدائية وثانوية وعالية ومتاحف ذات شهرة ذائعة ومساجد كثيرة وكنائس متعددة وشركات مختلفة

ومصارف مالية ومستشفيات يؤمها كثير من المرضى وملاجيء للضعفاء والعجزة.

شوارعها واسعة وميادينها فسيحة تمتد خطوط الترام في معظم مسالكها وتسير فيها سيارات عامة وخاصة تزدهم بها طرقها وتمتليء بها شوارعها. وهي مركز عظيم للطرق الحديدية والأسلاك البرقية وأنواع المواصلات الأخرى التي تتفرع وتمتد منها إلى جميع جهات القطر. حركتها دائمة وتجاريتها رائجة يؤمها أناس من أجناس مختلفة وأمم متباعدة فيعيشون مع قاطن البلاد في صفاء ووثام.

5 машқ. Қуйидаги сўз ва ибораларни ёд олинг:

احفظ الكلمات والعبارات الآتية:

Қирғоқ	شَاطِئٌ (شَوَاطِئُ)
Қурмоқ, солмоқ, барпо қилмоқ	بَنَى
Дохий, раҳбар, қўмондон	قَائِدٌ (قَوَادُّ، قَادَةٌ)
Асос солмоқ	أَسَّسَ
Маҳалла, квартал	حَيٌّ (أَحْيَاءُ)
Баланд	شَاهِقَةٌ
Черков, ибодатхона	كَنِيسَةٌ (كَنَائِسُ)
Ширкат, жамият, агентлик	شِرْكَةٌ
Банк	مَصْرِفٌ (مَصَارِفُ)
Шифохона, касалхона, госпитал	مُسْتَشْفَى
Бемор, касал	مَرِيضٌ (مَرَضَى)

Бошпана	مَلَجَأٌ (مَلَاجِيٌّ)
Йўл, маршрут	مَسْلَكٌ (مَسَالِكُ)
Тўлдирилган бўлмоқ, тўлган бўлмоқ	امْتَلَأَ بـ
Темир	حَدِيدٌ
Телеграф линияси	سِلْكٌ بَرْقِيٌّ
Бўлинмоқ, шаҳобчаларга ажралмоқ, келиб чиқмоқ	تَفَرَّعَ
Тинчлик, хотиржамлик	صَفَاءٌ

6-машқ. Матн юзасидан топириқлар:

1. Матндаги янги сўзларни ўзлаштириб, уни таржима қилинг.
2. Матннинг мазмунини сўзлаб беринг ва матн юзасидан саволлар тузинг.
3. Матнда учраган исмларнинг кўплигини топинг.

7-машқ. Қуйидаги парчада нуқталар ўрнига тушириб қолдирилган сўзларни қўйинг.

القاهرة مدينة،جيدة الهواء على الشاطئ الشرقي لنهر... .. بناها
 جوهر الصقلي أكبر قواد نة تسع وخمسين وثلاثمئة للهجرة
 النبوية. وكانت حين أسست لا تتجاوز حي ثم أخذت تتسع حتى
 وصلت إلى ما عليه الآن. وهي حاضرة الديار المصرية وأعظم مدينة في ...
 ...وبها آثار قديمة ومبان حديثة شاهقة ومدارس متنوعة: ...و...و...
 ومتاحف

ذات شهرة ذائعة و... كثيرة و... متعددة و... مختلفة و... مالية و... يؤمها
7 كثير من المرضى وملاجيء للضعفاء والعجزة
شوارعها واسعة وميادينها فسيحة تمتد ... في معظم مسالكها وتسير
فيها سيارات عامة وخاصة تزدهم بها طرقها وتمتليء بها شوارعها. وهي
...عظيم ل... الحديدية وال... البرقية وأنواع ال... الأخرى التي تتفرع
وتمتد منها إلى جميع جهات القطر.

8-машқ. Қуйидаги мақолларни ўқинг, таржима қилинг ва ёдга олинг:

خادم سيدين يكذب على أحدهما.
الأصدقاء الحقيقيون بصعب إيجادهم.

2. СИФАТ. НИСБИЙ СИФАТ. СИФАТНИНГ ҚИЁСИЙ ВА ОРТТИРМА ДАРАЖАЛАРИ

Дарснинг мақсади:

1. Араб тилида сифат ва унинг қиёсий ва орттирма даражалари борасида маълумот бериш, талабанинг дарсда олган билимларини мустаҳкамлаш.

2. Талабаларда нотаниш матн ҳаракатларини қўйиб ўқиш ва уни тўғри таржима қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш.

Таянч иборалар: сифат, қиёсий даража, орттирма даража, музаккар жинс, муаннас жинс, мослашув, туб сифат, аслий сифат.

Нисбий сифат предметнинг белгисини бошқа предметга ёки тушунчага нисбатан билдиради. У кўпинча белгиси аниқлаб келаётган аниқланмишнинг ишланган материалини, келиб чиққан жойини, бирор предметга мансублигини ва шунга ўхшаш бошқа белгиларини билдиради.

Нисбий сифат ҳам аслий сифат каби музаккар ва муаннас шакллариغا эга.

Нисбий сифатнинг музаккари асосан отдан охиридаги-ун қўшимчасини олиб ташлаб, ўрнига **يَـ** иййун қўшимчасини қўйиш орқали ҳосил бўлади. Муаннас нисбий сифат эса, кўпчилик сифат қатори музаккар жинс шаклининг охирига **ةَـ** - атун қўшимчасини қўйиш билан ҳосил қилинади.

Масалан:



البَيْتُ خَشْبِيّ – ёғоч (ли) уй

المَلْعَقَةُ خَشْبِيَّةٌ – ёғоч қошиқ

ا ёки ي ҳарфи билан тугаган отлардан нисбий сифат ҳосил бўлганда ي қўшимчасидан олдин а ёки ي ҳарфлари و га айланади.

Масалан:



Бу сўзлардан баъзан нисбий сифат бошқачароқ шаклида ҳам ҳосил бўлади:




Айрим сўзлардан эса, олдинги ا (алиф) тушиб қолиб, ي (иййун) - қўшимчаси қўшиш билан ҳосил бўлади.

Масалан:



ة (та марбута) билан тугаган сўзлардан нисбий сифат ҳосил бўлганида мазкур ҳарф тушиб қолади.

Масалан:



Айрим отлардан нисбий сифат ҳосил бўлганида сўзнинг вазни ҳам бироз ўзгаради.

Масалан:



Икки ўзак ундошдан иборат айрим отлардан нисбий сифат ҳосил қилишганида, (вов) ҳарфи орттирилади.

Масалан:



Баъзи сўзлардан икки ҳил нисбий сифат ҳосил бўлади.

Масалан:



Нисбий сифатлар гапда кўпинча мослашган аниқловчи бўлиб келади.

Масалан:

البُسْتَانِي يَعْملُ فِي البُسْتَانِ.
ابْنُ عَمِّي بُسْتَانِيٌّ.

Географик номлардан ҳосил бўлган нисбий сифат ўша ерли ёки ўша ерда туғилган вазифасида келиши мумкин. Масалан:



Нисбий сифат гапда мослашган аниқловчи вазифасидан бошқа эга, кесим вазифаларида ҳам келиши мумкин.

Масалан:

Боғбон (эга) боғда ишлайди - البُسْتَانِي يَعْملُ فِي الحَدِيقَةِ.

Амакимнинг оғли боғбондир (кесим) - ابْنُ خَالِي بُسْتَانِيٌّ.

СИФАТНИНГ ҚИЁСИЙ ВА ОРТТИРМА ДАРАЖАЛАРИ

Бизга маълумки араб тилида сифатлар феъллардан ясалади. Араб тилидаги сифатлар ҳам ўзбек тилидаги сифатлар каби предмет ёки шахснинг белгисини, яъни рангини, ҳажминини, таъми ва ҳоказоларни англатишда ишлатилади. Шундай қилиб предметнинг шаклини, ҳажминини рангини, музmunини билдириб, уни даражалаб кўрсата оладиган сўзлар сифатлар дейилади.

Сифатлар араб тилида ҳам 3 хил даражага эга: оддий, қиёсий, орттирма даража.

1. Биз шу вақтгача кўриб келган сифатлар, сифатнинг оддий даражасига киради.

Масалан:

قَرِيبٌ - حَسَنٌ - كَبِيرٌ

2. **Қиёсий даража.** Қиёсий даража уч ундошли феълни **أَفْعُلُ** (афъалу) формасига тушириш ва **مِنْ** (мин) предлогини орттириш орқали ҳосил қилинади. Бунда қайси бир предмет ёки шахс, қайсидир бир предмет ёки шахснинг белгиси қиёсланаётган бўлса ўша сўз **من** (мин) прелогидан кейин келади, сифат даражаси эса сонда ва жинсда ўзгармайди.

Масалан:

Китоб журналдан каттароқ - **الكتابُ أَكْبَرُ مِنَ المَجَلَّةِ**

Синглим мендан кичикроқ - **أُخْتِي أَصْغَرُ مِنِّي**

Мисоллардан кўриниб турибдики сифатнинг қиёсий даражаси ўзбек тилига «роқ» қўшимчаси билан таржима қилинади.

Агар **من** (мин) предлогидан кейин бевосита феъл келса, предлогдан кейин **ما** (ма) юкламаси орттирилади;

Масалан:

Об-ҳаво бугун кечагидан иссиқроқ - **الطَّقْسُ الْيَوْمَ أَحْرُ مِمَّا كَانَ أَمْسٍ**

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, агар бир предмет, шу предметнинг ўзига, маълум бир вақт ўтгандан кейин қиёсланадиган бўлса, предметни икки марта такрорламаслик учун ўзига тегишли олмошни қўйиш мумкин. Масалан:

حفظت هذا النص اليوم أكثر (مما) منه أمس - Бу матнни бугун кечагидан кўпроқ ёдладим.

الطقس في الظهر أحر منه في الصباح. - Туш вақтида ҳаво эрталабдан иссиқроқ

3. **Орттирма даража.** Орттирма даража ўз навбатида икки турга бўлинади:

а) мутлоқ орттирма даража;

б) қиёсий орттирма даража;

Мутлоқ орттирма даража.

Мутлоқ орттирма даража ва қиёсий орттирма даража ҳам **أَفْعَلُ** (афъалу) вазнида бўлиб, мутлоқ орттирма даража мослашган аниқловчидай бўлиб келади. Шунинг учун ҳам у сифатланмиш билан тўла мослашади (ҳолатда, келишикда, жинсда ва ҳ.к.з.) ва ўзбек тилида «...энг...» деб таржима қилинади.

Кўплик	Иккилик	Бирлик	Жинс
أَفْعَالُ	أَفْعَالَانِ	أَفْعَلُ	Музаккар
فَعْلَيَاتُ	فَعْلَيَانِ	فَعْلَى	Муаннас

Масалан:

энг яхши ишчи - **الْعَامِلُ الْأَحْسَنُ**

энг катта ҳона - **الْغُرْفَةُ الْكُبْرَى**

энг машҳур студентлар - **الطُّلَّابُ الْأَشَاهِرُ**

энг гўзал талабалар - **الطَّالِبَاتُ الْحُسْنَيَاتُ**

Қиёсий орттирма даража. Қиёсий орттирма даража **أَفْعَلُ** (афъалу) ўзидан кейин келаётган исмни қаратқич келишигида ва аниқ ҳолатда бўлишини талаб қилади, бу вазндаги сифат жинсда ўзгармайди.

Масалан:

энг яхши студент қизлардан – **مِنْ أَحْسَنِ الطَّالِبَاتِ**

энг яхши студентлардан - **مِنْ أَحْسَنِ الطُّلَّابِ**

أَفْعُلُ (афъалу) қолипидан кейин исм бирликда ноаниқ ҳолатда ва қаратқич келишигида келса, «энг...лардан бири» деб таржима қилинади.

Масалан:

энг яхши студент қизлардан бири – **أَحْسَنُ طَالِبَةٍ**

энг яхши студентлардан бири – **أَحْسَنُ طَالِبٍ**

Қоҳира энг чиройли шаҳарлардан бири - **الْقَاهِرَةُ أَجْمَلُ مَدِينَةٍ**

Булардан ташқари яна, **فَعْلَاءُ** - **أَفْعُلُ** (афъалу-фаълау) шаклидаги сифатлардан, белгини билдирувчи сифатдошлардан ва нисбий сифатлардан қиёсий ва орттирма даража синтактик йўл билан яъни **أَكْثَرُ ، أَشَدُّ ، أَقَلُّ** каби сўзлар ва ундан кейин солиштириладиган белги шу ўзакдан ҳосил бўлган тушум келишигидаги ноаниқ ҳолатда турган масдар ёрдамида ҳосил қилинади.

Масалан:

Бу атиргул наригисидан қизилроқ - **هَذِهِ الْوَرْدَةُ أَشَدُّ حُمْرَةً مِنْ تِلْكَ**

Укам ўртоқидан кўра камроқ тиришқоқдир - أَخِي أَقْلٌ اجْتَهَادًا مِنْ صَدِيقِهِ

خَيْرٌ (хайрун) яхши, شَرٌّ (шаррун) ёмон каби сифатлардан

أَفْعَلُ (афъалу) вазнида эмас, шу сифатларнинг ўзидан ҳосил бўлади.

Масалан:

Номоз уйқудан яхшироқдир - الصَّلَاةُ خَيْرٌ مِنَ النَّوْمِ

Юртларнинг энг ёмони дўсти бўлмаган юртдир -

شَرُّ الْبِلَادِ مَكَانٌ لَا صَدِيقَ بِهِ

1-машқ. Қуйидаги текстни ўқинг ва ўзбек тилига таржима қилинг:

النص الأول: طنطا

طنطا ثالثة المدن في مصر الحديثة أهميّة ومدنيّة وعمرانا ثم هي مركز لأكبر شبكة من سكك الحديد وخطوط السيارات علاوةً على أنّها مركز تجاري وصناعي هامّ. ويشاهد الزائر لطنطا مظاهر العمران ففيها العمار والمصانع الكبيرة والمتاجر المعروفة ودور السينما والتمثيل والأنديّة الرياضية. وطنطا هي أكبر مركز ثقافي ففيها مدارس كثيرة. وقد أنشئت أول مدرسة ابتدائية بالوجه البحري عام عام ١٨٦٨ كما أنشئت بها أول

مدرسة ثانوية في الدلتا كلها. وفي هذه المدينة تلتقي ومنها تتفرع أهم الخطوط الحديدية التي تؤدي إلى شتى مدن الوجه البحري ويعتبر المعهد الأحمدى من مفاخرها وقد أنشئ عام ١٩١٣.

وفي طنطا نشاط تجاري وصناعي. ففيها أشهر المحال كما أن بها مصانع تنتج للاستهلاك المحلي ما يفوق في جودته ودقته المنتجات الأجنبية.

وكان من نتيجة ما أُقيم في طنطا من مصانع ومتاجر أن برزت فيها تجمعات عملية أنشأت النقابات.

2-машқ. Қуйидаги сўз ва ибораларни ёд олинг:

احفظ الكلمات والعبارات الآتية:

Замонавий, янги	حَدِيثٌ
Цивилизация, маданият	عُمُرَانٌ
Тармоқ	شَبَكَةٌ (شَبَكٌ، شَبَاكٌ)
Темир йўл	سِكْكُ الْحَدِيدِ
Машина йўллари	خُطُوطُ السَّيَّارَاتِ
Зиёратчи, мижоз, меҳмон	زَائِرٌ (زَوَّارٌ)
Кўриниш	مَظْهَرٌ (مَظَاهِيرُ)

Қурилиш, қурилган бино	عِمَارَةٌ (عَمَائِرُ)
Савдо қилиш жойи, дўкон, магазин	مَتْجَرٌ (مَتَاجِرُ)
Томоша, ўйин	تَمَثِيلٌ
Қурмоқ	أَنْشَأَ
Учратмоқ, қўшилмоқ	إِلْتَقَى
Олдига бошлаб бормоқ, олиб келмоқ	أَدَّى (إِلَى)
Фахрлантирадиган нарсa, қадр-қиймат, муваффақият	مَفْخَرَةٌ، مَفْخَرَةٌ (مَفَاخِرُ)
Ишлаб чиқармоқ, маҳсулот бермоқ	أَنْتَجَ
Истеъмол қилиш	اسْتَهْلَكَ
Кўзга ташланмоқ	بَرَزَ
Бирлашма, касаба уюшмаси	نِقَابَةٌ

3-машқ. Матн юзасидан топшириқлар:

1. Матндаги янги сўзларни ўзлаштириб, уни таржима қилинг.
2. Матннинг мазмунини сўзлаб беринг ва матн юзасидан саволлар тузинг.
3. Матнда учраган сифатларни топинг.

4-машқ. Қуйидаги парчада нуқталар ўрнига тушириб қолдирилган сўзларни қўйинг.

لأكبر شبكة...أهميّة ومدنيّة وعمرانا ثم هي...طنطا ثالثة المدن في مصر
تجاري وصناعي...من سكك الحديد وخطوط السيارات علاوةً على أنّها
... لطنطا مظاهر العمران ففيها العماائر والمصانع الكبيرة.... ويشاهد ...
ثقافي ... ودور السينما والتمثيل والأنديّة الرياضية. وطنطا هي أكبر...
بالوجه البحري عام عام عام...ففيها مدارس كثيرة. وقد أنشئت أول
في الدلتا كلها. وفي هذه المدينة تلتقي ومنها... ١٨٦٨ كما أنشئت بها أول
الأحمدي من ... ويعتبر ... التي تؤدي إلى شتى مدن ... تتفرع أهم
مفاخرها وقد أنشئ عام ١٩١٣.

5-машқ. Қуйидаги текстни ўқинг, ўзбек тилига таржима қилинг:

النص الثاني: النيل

نهر النيل من أطول أنهار الدنيا وأعظمها نفعا، يستمد ماءه من
الأمطار التي تسقط في منطقة خط الاستواء، ويزيد ماءه كل عام بالأمطار
الغزيرة التي تسقط على جبال الحبشة العالية وتأتي إلينا محملة بالغرين الذي
يفيد الأرض قوّة وخصبا فيفرح المصريون بزيادته وقيمون الزينات يوم
وفائه. وقد أقاموا عليه مقاييس نبين ويادته ونقصه. منها مقياس الروضة
المعروف.

وتظهر زيادة النيل في مصر في أواخر شهر يولييه وتبلغ منتهاها في سبتمبر. وقد اهتمت الحكومة المصرية بحفظ مائه وتوزيعه على الأراضي فبنت خزانات يُدخر فيها الماء وقت الفيضان وشقت ثُرعا تمدّ الأراضي الزراعية بما تحتاج إليه من الماء بطرق منظمة. وكان النيل قبل إنشاء الطرق الجديدة أعظم طريق للمواصلات. وهو صالح لسير السفن من مصبه إلى ما بعد أسوان ثم يعترض فيه الشلال الأول فلا يمكن السير فيه. وبعد هذا الشلال تسهل الملاحة فيه إلى وادي حلفا.

6-машқ. Қуйидаги сўз ва ибораларни ёд олинг:

احفظ الكلمات والعبارات الآتية:

Қўлга киритмоқ, олмоқ	إِسْتَمَدَ مِنْ
Экватор, хатти устуво	خَطُّ الإِسْتِوَاءِ
Мўл-кўл, сероб	غَزِيرَةٌ
Олиб келмоқ	أَتَى
Юкланган, машақатли юк	مُحَمَّلَةٌ
Фойда келтирмоқ	أَفَادَ
Шод бўлмоқ	(a) فَرِحَ

Миқёс, ўлчов, меъзон, критерий, ўлчаш	مِقْيَاسُ (مَقَائِسُ)
Жамғармоқ, йиғмоқ, тўпламоқ, ғамлаб қўймоқ	دَخَرَ
Сел, тошқин вақти	وَقْتُ الْفَيْصَانِ
Канал қазимоқ	شَقَّ التَّرْعَةَ
Эҳтиёж сезмоқ, муҳтожлик сезмоқ	إِحْتَاَجَ إِلَى
Ташкилот	مُنْظَمَةٌ
Кема	سَفِينَةٌ (سُفُنٌ)
Дуч келмоқ, йўлда учрашмоқ	اعْتَرَضَ
Денгизчилик, кемачилик	مِلَاحَةٌ
Шалола, шаршара	شَالَالٌ

7-машқ. Матн юзасидан топшириқлар:

1. Матндаги янги сўзларни ўзлаштириб, уни таржима қилинг.
2. Матн мазмунини сўзлаб беринг, матн юзасидан саволлар тузинг.
3. Матнда учраган сифатларни топинг.

8-машқ. Қуйидаги мақолларни ўқинг, таржима қилинг ва ёд олинг:

إِنَّ مَنْ لَا يَعْرِفُ الْوَحْيَ أَحْمَقُ.
 عدو عاقل خير من صديق جاهل.
 عين الحب عمياء.

3. МОСЛАШГАН АНИҚЛОВЧИ

Дарснинг мақсади:

1. Араб тилида мослашган аниқловчи борасида маълумот бериш, талабанинг дарсда олган билимларини янада мустаҳкамлаш.
2. Талабаларда нотаниш матн ҳаракатларини қўйиб ўқиш ва уни тўғри таржима қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш

Таянч иборалар: *аниқловчи, аниқланмиш, мослашган аниқловчи, сифат, сифатдош, кўрсатиш олмоши, тартиб сон.*

Исм билан ифодаланган бирор гап бўлагининг белгиси, хусусиятини билдириб келган бўлак «**аниқловчи**» деб аталади.

Ўзбек тилида аниқловчи ўзи аниқлаб келаётган исм – **аниқланмиш**дан олдин келади, араб тилида эса кейин келади.

Солиштиринг:

барваста киши - رَجُلٌ بَدِيٌّ

кенг кўча - شَارِعٌ وَاسِعٌ

кучли муҳаббат - حُبٌّ شَدِيدٌ

Аниқланмиш билан бирикиш усулига кўра аниқловчилар *мослашган* ва *мослашмаган* бўлади.

Мослашган аниқловчилар - صِفَةٌ، وَصْفٌ сифат, сифатдош, кўрсатиш олмоши, тартиб сон билан ифодаланади ва аниқланмиш-

مَوْصُوف билан жинсда, сонда, келишиқда ва ҳолатда мослашади.

Мисоллар:

رَجُلٌ قَوِيٌّ-кучли киши;

الرَّجَالُ الْأَقْوِيَاءُ-кучли кишилар;

إِمْرَأَةٌ دَاخِلَةٌ-кираётган аёл;

فِي الْغُرْفَةِ الثَّالِثَةِ-учинчи хонада.

Одамзоддан бошқа жонзот ва предметларни билдирувчи исмларнинг кўплиги грамматик жиҳатдан бирлик муаннасга тенг ҳисобланади. Шунга кўра, бундай исмлар билан мослашадиган сўзлар бирлик муаннасда бўлади.

Масалан:



1-машқ. Қуйидаги текстни ўқинг ва ўзбек тилига таржима қилинг:

النص الأول: النخيل

النخيل شجر عظيم باسق، يكثر في البلدان الحارة كجزيرة العرب والعراق، وله جذع ثخين وأغصان مستقيمة تنمو عليها أوراقه الدائمة الخضرة، والمنسقة تتساقطها جميلا على طرفي الغصن. وثماره حلوة ولذيذة سواء أكانت بلحا أصفر أو أحمر أو رطبا أم تمرا.

وللنخيل فوائد كثيرة: ظلّ ظليل، وغذاء كامل، وحلوى طيبة.

تصنع من سعفه الحصر والزناويل والمكانس، ومن جذوعه الأعمدة والسقوف. ومن أغصانه السلال والأقفاص، ومن أليافه الحبال وأدوات التنظيف.

فيا أيها التلاميذ، أحبّوا النخلة وحافظوا عليها وليكن شعاركم: ازرعوا ولا تقطعوا.

2-машқ. Қуйидаги сўз ва ибораларни ёд олинг:

احفظ الكلمات والعبارات الآتية:

Пальма	نَخِيلٌ
--------	---------

Хурмо дарахтлари	نَخْلٌ
Дарахт	شَجَرٌ (أَشْجَارٌ)
Юксак, қад кўтарган	بَاسِقٌ (بَوَاسِقُ)
Мўл-кўл бўлмоқ	كَثُرَ
Иссиқ (тропик) давлатлар	الْبُلْدَانُ الْحَارَّةُ
Тана, поя, тўнка	جِدْعٌ (جُدُوعٌ)
Йўғон, зич, қалин, қуюқ, дағал	ثَخِينٌ (ثِخَانٌ، ثَخْنَاءُ)
Шах, навда	غُصْنٌ (أَغْصَانُ، غُصُونُ، غِصْنَةٌ)
Ўсмоқ, унмоқ	نَمًا (y)
Барг	وَرَقَةٌ (أُورَاقٌ)
Тартиб билан жойлашган, мутаносиб, уйғун, мос	مُنَسَّقَةٌ
Ипга ўтказиш, тартибга солиш, тартибга келтириш	تَنْسِيقٌ
Мева	ثَمَارٌ
Хурмолар	بَلَحٌ
Хурмо меваси	رُطْبٌ
Қуритилган хурмо	تَمْرٌ (تُمُورٌ)
Қуюқ соя	ظِلٌّ ظَلِيلٌ
Овқат, ейиладиган нарса	غِذَاءٌ (أَغْذِيَّةٌ)

Хурмо дарахтининг узун барглари	سَعَفٌ (سُفوفٌ)
Катта сават, занбил	زَنْبِيلٌ (زَنَابِيلٌ)
Супурги	مِكنَسَةٌ (مَكَائِسُ)
Сават	سَلٌّ (سِلَالٌ)
Қафас, тўқилган сават	قَفَصٌ (أَقْفَاصٌ)
Тўшама, тўшак, бўйра.	حَصِيرٌ (حُصْرٌ)

3-машқ. Матн юзасидан топириқлар:

1. Матндаги янги сўзларни ўзлаштириб, уни таржима қилинг.
2. Матннинг мазмунини сўзлаб беринг ва матн юзасидан саволлар тузинг.
3. Матнда учраган мослашган аниқловчиларни топинг.

4-машқ. Қуйидаги парчада нуқталар ўрнига тушириб қолдирилган сўзларни қўйинг:

النخيل...عظيم باسق، يكثر في البلدان الحارة ... وله جذع ثخين
وأغصان مستقيمة تنمو عليها أوراقه الدائمة الخضرة، و ... تنسيقها جميلا

على طرفي الغصن. و... ه حلوة ولذيذة سواء أكانت ...أصفر أو أحمر أو
رطباً أم تمراً.

وللنَّخيل: ظلّ ظليل، وغذاء كامل، وحلوى طيبة. تصنع من
... والزنايل والمكانس، ومن ... ه الأعمدة والسقوف. ومن أغصانه
السلال والأقفاص، ومن وأدوات التنظيف.

فيا أيها التلاميذ، أحبّوا... وحافظوا عليها وليكن شعاركم: ازرعوا ولا تقطعوا.

5-машқ. Қуйидаги текстни ўқинг ва ўзбек тилига таржима қилинг:

النص الثاني: دمشق

دمشق أعظم مدينة في آسيا الغربية . فتح العرب دمشق في أوائل
القرن الأول الهجري بقيادة خالد بن الوليد وأبي عبيدة بن الجراح. إن
العرب يسمّون دمشق جنّة الدنيا. فيها الأنهار الجارية والأشجار الباسقة
والأثمار الطيبة والأزهار العطرة. وفي دمشق كثير من الأماكن الأثرية
كالجامع الأمويّ وكثير من الدور المبنية على طراز عربي والمزينة بأعمدة
الرخام.

تقع دمشق في وسط سورية الشمالية وهي فوق ذلك مركز تجاري
وصناعي وعلمي ممتاز وتصدر منها منسوجات حريرية وأوانٍ نحاسية

وفواكه مجففة. أما سهول دمشق فتقدم للبلاد قسما كبيرا من الحبوب وكثيرا من الفاكهة والخضار.

6-машқ. Қуйидаги сўз ва ибораларни ёд олинг:

احفظ الكلمات والعبارات الآتية:

Атамоқ	سَمَّى
Устун	عَمُودٌ (أَعْمِدَةٌ، عِمْدَانٌ)
Мармар	رُخَامٌ
Экспорт қилмоқ, жўнатмоқ	صَدَّرَ
Мисга оид	نُحَاسِيَّةٌ
Қуритилган мева	مُجَفَّفَةٌ
Пасттекислик	سَهْلٌ (سُهُولٌ)
Дон	حَبٌّ (حُبُوبٌ)
Полиз экинлари	خُضَارٌ

7-машқ. Матн юзасидан топшириқлар:

1. Матндаги янги сўзларни ўзлаштириб, уни таржима қилинг.
2. Матннинг мазмунини сўзлаб беринг ва матн юзасидан саволлар тузинг.
3. Матнда учраган мослашган аниқловчиларни топинг.

8-машқ. Қуйидаги парчада нуқталар ўрнига тушириб қолдирилган предлогларни қўйинг:

أوائل ... آسيا الغربية . فتح العرب دمشق ... دمشق أعظم مدينة
القرن الأول الهجري بقيادة خالد بن الوليد وأبي عبيدة بن الجراح. إن
العرب يسمون دمشق جنة الدنيا. فيها الأنهار الجارية والأشجار الباسقة
الأماكن الأثرية ... دمشق كثير ... والأثمار الطيبة والأزهار العطرة . و
أعمدة ... طراز عربي والمزينة ... الدور المبنية ... الجامع الأموي وكثير ...
الرخام.

وسط سورية الشمالية وهي فوق ذلك مركز تجاري ... تقع دمشق
ها منسوجات حريرية وأوانٍ نحاسية ... وصناعي وعلمي ممتاز وتصدر
وفواكه مجففة. أما سهول دمشق فتقدم.
الفاكهة والخضار.. الحبوب وكثيرا ... لبلاد قسما كبيرا ...

8-машқ. Қуйидаги мақолларни ўқинг, таржима қилинг ва ёдга олинг:

الأفكار العالية لا بد لها من لغة عالية.

عندما تموت ولديك خمسة أصدقاء حقيقيين فقد عشت حياة عظيمة.

4. МОСЛАШМАГАН АНИҚЛОВЧИ

Дарснинг мақсади:

1. Араб тилида мослашмаган аниқловчи (изофа бирикмаси) ва унинг турлари борасида маълумот бериш, талабанинг дарсда олган билимларини янада мустаҳкамлаш.

2. Талабаларда нотаниш матнни ҳаракатини қўйиб ўқиш ва уни тўғри таржима қилиш кўникмасини ҳосил қилиш.

Таянч иборалар: *мослашмаган аниқловчи, аниқланмиш, изофа, музоф, музоф илайҳи, маънавий изофа, лафзий изофа.*

От, кишилик олмоши ё уларнинг ўрнига келган сўзлар билан ифодаланган аниқловчилар «мослашмаган» бўлади. Мослашмаган аниқловчилар икки турли – кўмакчили ва кўмакчисиз бўлади.

Кўмакчили аниқловчи ўзидан олдинги отнинг нимадан ясалганини, қаердан келиб чиққанини, кимга ё нимага қарашли эканини, вақти, ўрни ва шу каби белгиларини аниқлаб келади.

Масалан:

لَبِسْتُ ثَوْبًا مِنَ الْحَرِيرِ - Инак кийим кийди;

جَلَسْتُ مَعَ رَجُلٍ مِنْ دِمَشْقَ - Дамашқлик киши билан ўтирдим;

رَأَيْتُ صَدِيقَةً لِفَاطِمَةَ - Фотиманинг бир дугонасини кўрдим;

Кўмакчили аниқловчининг кўмакчисини тушириб қолдириш мумкин. У ҳолда кўмакчисиз аниқловчи ҳосил бўлади. Масалан:



Бундай аниқловчиларни ўзбек тилшунослигида «қаратқичли аниқловчи» дейилади.

Қаратқичли аниқловчининг ўз аниқланмиши билан ҳосил қилган бирикмаси «изофа бирикмаси» деб аталади.

Изофа бирикмасида аниқланмиш – **المُضَاف** билан аниқловчи – **المُضَاف إِلَيْهِ** ажралмас бирикма ҳосил қилади, уларнинг орасига (аниқловчига тегишли кўрсатиш олмошидан бошқа) ҳеч қандай сўз қўшилиши мумкин эмас. Шунга кўра бундай бирикмани лотинча «статус конструктус – яхлит бирикма» атамаси билан ҳам атайдилар.

Изофа бирикмасида аниқловчи доим қаратқич келишигида бўлади. Аниқланмишнинг «**ال**» артикли бўлмаса ҳам, охиридаги

танвин, иккилик ва тўғри кўплик қўшимчаларидаги «ن» ҳарфи тушиб қолади.

Масалан:

مُؤَاطِنُ الْجُمْهُورِيَّةِ	республика фуқароси
مُؤَاطِنَا الْجُمْهُورِيَّةِ	республиканинг икки фуқароси
مُؤَاطِنُو الْجُمْهُورِيَّةِ	республика фуқаролари (музаккар)

Аниқланмишнинг қандай сўз туркуми билан ифодаланганига кўра изофа бирикмаси икки хил бўлади:

1. Аниқланмиши кимса ё нарсани билдирадиган от ёки от ўрнида келган сўз билан ифодаланган изофа «ҳақиқий» (маънавий – المعنوية) деб аталади. Бундай изофада аниқланмишга «ال» артикли қўшилиши мумкин эмас. Унинг аниқ ё ноаниқ ҳолатда эканлиги аниқловчининг ҳолати билан белгиланади.

Масалан:

بَيْتٌ فَلَاحٍ	деҳқон уйи
----------------	------------

(«فَلَّاحٌ» сўзи ноаниқ ҳолатда бўлгани учун «بَيْتٌ» сўзи ҳам ноаниқ ҳолатда);

بَيْتُ الْفَلَّاحِ

деҳқоннинг уйи

(«الْفَلَّاحُ» аниқ ҳолатда бўлгани учун «بَيْتُ» сўзи ҳам аниқ ҳолатда).

2. Аниқланмиши белги, хусусиятни билдирадиган сифат, сифатдош билан ифодаланган изофа бирикмаси «шаклий» (лафзий – اللفظية) деб аталади. Бундай бирикмадаги аниқланмишнинг «ال» артикли бўлса аниқ, бўлмаса ноаниқ ҳолатда бўлади.

رَجُلٌ طَوِيلٌ الْقَامَةِ

الرجل الطويل القامة

Бўйи баланд (баланд бўйли) киши

امْرَأَةٌ كَثِيرَةٌ الْأَطْفَالِ

الامراة الكثيرة الأطفال

Болалари кўп (кўп болали) аёл.

1-машқ. Қуйидаги текстни ўқинг ва ўзбек тилига таржима қилинг:

النص الأول: احترام الكبير

في فصل "طلال" جماعة للصحافة، تخرج كل شهر صحيفة، تعبر عن أنباء الفصل، ونشاطه . وظهر عدد من أعداد الصحيفة، وفيه حكايات، وفكاهات، وطرف وفيه موضوع لطلال، عن "احترام الصغير للكبير"، كتب فيه:

هل تغيرت حياتنا؟ شاهدت مناظر مؤسفة.. شاهدت في السيارة العامة شيخا يقف وولدا يجلس، وشاهدت صغيرا يزاحم كبيرا في مدخل المتجر، وساءني منظر شاب يندفع بالسيارة، وأمامه شيخ يتعثر في الطريق..

شاهدت ذلك، فذكرت ما قرأت عن احترام الصغير للكبير، وذكرت قول النبي صلى الله عليه وسلم: "ما أكرم شاب شيخا لسنّه إلا قىض الله له من يكرمه عند سنّه."

2-машқ. Қуйидаги сўз ва ибораларни ёд олинг:

احفظ الكلمات والعبارات الآتية:

Хурмат, эҳтиром, иззат	إِحْتِرَامٌ
Шудринг, шабнам	ظَلٌّ (ظِلَالٌ)
Ифодаламақ	عَبَّرَ
Кўринмоқ, учрамоқ, аниқ бўлмоқ	ظَهَرَ (a)
Қисса, ҳикоя	حِكَايَةٌ
Ҳазил, латифа анекдот	فُكَاهَةٌ
Ўзгармоқ	تَغَيَّرَ
Хафа (дилни сиёҳ) қилувчи, ранжитувчи, дилни оғритадиган	مُؤْسِفٌ
Турмоқ	وَقَفَ (и)
Қисмоқ, сиқмоқ	زَاخَمَ
Шиддаткор бўлмоқ, жуда тез ҳаракат қилмоқ	إِنْدَفَعَ

Қоқилиб кетмоқ	تَعَثَّرَ
Хурмоат, эҳтиром кўрсатмоқ, сийламоқ	أَكْرَمَ

3-машқ. Матн юзасидан топшириқлар:

1. Матндаги янги сўзларни ўзлаштириб, уни таржима қилинг.
2. Матннинг мазмунини сўзлаб беринг ва матн юзасидан саволлар тузинг.
3. Матнда учраган мослашган аниқловчиларни топинг.

4-машқ. Қуйидаги парчада нуқталар ўрнига тушириб қолдирилган сўзларни қўйинг:

في فصل ... جماعة للصحافة، تخرج كل شهر ...، تعبر عن أنباء ...،
ونشاطه.

وظهر عدد من أعداد ...، وفيه ...، و...، وطرف وفيه موضوع لطلال، عن
"... الصّغير للكبير"، كتب فيه:

هل تغيرت حياتنا؟ شاهدت ... مؤسفة.. شاهدت في السيارة العامة
... يقف و... يجلس، وشاهدت ... يزاحم كبيرا في مدخل المتجر، وساءني
منظر ... يندفع بالسيارة، وأمامه ... يتعثر في الطريق..

5-машқ. Қуйидаги текстни ўқинг ва ўзбек тилига таржима қилинг:

النص الثاني: التسرع يكلف أحيانا

مدير مصنع خلال تَجَوَّاله في المصنع لاحظ شابا يستند إلى الحائط ولا يقوم بأيّ عمل. اقترب منه وقال له بهدوء: كم راتبك؟ كان الشاب هادئا ومتفاجئا بالسؤال الشخصي، وأجاب: تقريبا ٢٠٠ دولار شهريا، يا سيدي، لماذا؟

بدون إجابة فتح المدير محفظته وأخرج ٢٠٠ دولار نقدا وأعطاهما الشاب ثم قال: أنا أدفع للناس هنا ليعملوا وليس للوقوف والآن هذا راتبك الشهري مقدّما اخرج ولا تعد!

أخذ الشاب المبلغ واستدار وأسرع في الإبتعاد عن الأنظار. نظر المدير إلى الباقيين وقال بنبرة تهديد: هذا ينطبق على الكل في هذه الشركة.. من لا يعمل ننهي عقده مباشرة. اقترب المدير من أحد العاملين وسأله من هو الشاب الذي قمت أنا بطرده؟ فجاءه الردّ المفاجئ: كان رجل توصيل البيتزا، يا سيدي ولا يعمل هنا!

6-машқ. Қуйидаги сўз ва ибораларни ёд олинг:

احفظ الكلمات والعبارات الآتية:

Дикқат билан қарамоқ, тикилмоқ, кузатмоқ,	لَاخَظْ
---	---------

эътибор бермоқ	
Шошилганлик, ховлиққанлик, шошилиш, ховлиқиш, шошма-шошарлик	تَسْرَعُ
Масъулият юкламоқ, безовта қилмоқ, тушмоқ	كَلَّفَ
Суяниб турмоқ	اسْتَنَدَ إِلَى
Яқинлашмоқ	اقْتَرَبَ
Тинчлик, хотиржамлик билан	هُدُوً
Бермоқ, таклиф қилмоқ	أَعْطَى
Тўламоқ	دَفَعَ (a)
Қайтиб келмоқ	عَادَ (y)
Бурилмоқ	اسْتَدَارَ
Узоқлашиш	إِبْتَعَادُ
Ҳайдаб чиқармоқ	طَرَدَ (y)
Етказиб бериш, боғлаш	تَوَصَّلَ
Кутилмаган, бирданига бўлган	مُفَاجِئُ

7-машқ. Матн юзасидан топириқлар:

1. Матндаги янги сўзларни ўзлаштириб, уни таржима қилинг.
2. Матннинг мазмунини сўзлаб беринг ва матн юзасидан саволлар тузинг.
3. Матнда учраган мослашмаган аниқловчиларни топинг.

9-машқ. Қуйидаги парчада нуқталар ўрнига тушириб қолдирилган сўзларни қўйинг:

يستند إلى الحائط ولا يقوم ... خلال تجواله في المصنع لاحظ ... مدير
هادئا ومتفاجئا اقترب منه وقال له بهدوء: كم راتبك؟ كان ... بأي
، يا سيدي، لماذا؟ ... دولار ... بالسؤال الشخصي، وأجاب: تقريبا
ثم ... دولار نقدا وأعطاهما فتح المدير محفظته وأخرج ... بدون
مقدما ... قال: أنا أدفع للناس هنا ليعملوا وليس للوقوف والآن هذا راتبك
اخرج ولا تعد!

إلى .. المبلغ واستدار وأسرع في الابتعاد عن الأنظار. نظر ... أخذ
. من لا يعمل ... الباقي وقال بنبرة تهديد: هذا ينطبق على الكل في هذه
الذي قمت اقترب المدير من أحد العاملين وسأله من هو ... ننهي عقده
توصيل البيتزا، يا سيدي ولا يعمل هنا! ... : كان ... أنا بطرده؟ فجاءه الردّ ا

10-машқ. Қуйидаги мақолларни ўқинг, таржима қилинг ва ёдга олинг:

شيئان لا حدود لهما الكون و غباء الإنسان.

ظنّ العاقل خير من يقين الجاهل.

الإرادة سرّ النجاح.

5. БИРИКМА ОЛМОШЛАР

Дарснинг мақсади:

1. Араб тилида бирикма олмошлар борасида маълумот бериш, талабанинг дарсда олган билимларини янада мустаҳкамлаш.

2. Талабаларда нотаниш матн ҳаракатларини қўйиб ўқиш ва уни тўғри таржима қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш.

Таянч иборалар: *олмошлар, от, феъл, кўмакчи, юклама, бирикма олмошлар, келишик, мустақил олмош.*

Мустақил олмошлар - الضمائر المنفصلة (أنا, أنت, هو каби) алоҳида ёзилади ва фақат бош келишикда ишлатилади.

Бирикма олмошлар - الضمائر المتصلة ни мустақил олмошларнинг қаратқич ва тушум келишикларидаги кўринишлари дейиш мумкин. Улар ўзларидан олдинги сўз – от, феъл, кўмакчи, юкламага қўшилиб ёзилади ва одатда, гапнинг иккинчи даражали бўлаклари – аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол вазифасида ишлатилади.

Улар қуйидагилар:

المَجْمُوعُ	المُتَنِّي	المُفْرَدُ	النوع	الفاعل
نا-		ي-	المذكر المؤنث	المتكلم
كُم- كُنَّ-	كُمَا	كَ- كِ-	المذكر المؤنث	المخاطب
هُم- هُنَّ-	هُمَا	هُ- هَا-	المذكر المؤنث	الغائب

От билан бириккан олмош ҳақиқий изофа бирикмасини ташкил қилади. Бунда бирикма олмош ўзбек тилидаги эгалик қўшимчиларига тенг келади: **أُمُّكَ** - *онанг*, **أَبُونَا** - *отамиз*, **جَدِّي** - *бобом* ва ҳоказо.

Феъл билан бириккан олмош тушум келишигидаги воситасиз тўлдирувчи вазифасини бажаради: **ضَرَبْتَهُ** - *уни урдинг*, **قَتَلَهَا** - *уни (муаннас) ўлдирди*, **رَأَيْتُكَ** - *сени (қизни) кўрдик*.

Кўмакчилар билан бириккан олмошлар воситали тўлдирувчи, ҳол ёки кўмакчили кесим вазифасини бажаради. Масалан:

أَخَذْتُ مِنْهُ - *Ундан олдим*;

ذَهَبْنَا مَعَهُ - *У билан кетдик*;

فِيهَا كَتَبَ كَثِيرَةٌ - *Унда кўп китоблар бор*.

Мантикий урғу бирикма олмошга тушаётган бўлса, уни таъкидлаш учун ўша бирикма олмошдан кейин унга тенг мустақил олмош ишлатилади:

أُمِّي - *онам*;

أُمِّي أَنَا - *ўзимнинг онам*;

رَأَيْتَاهُ - *уни кўрдик*;

رَأَيْنَاهُ هُوَ - унинг ўзини кўрдик;

ذَهَبْتَ مَعَكَ - сен билан кетди;

ذَهَبْتَ مَعَكَ أَنْتَ - сенинг ўзинг билан кетди.

Тушум келишигидаги бирикма олмошни таъкидлаш учун уни «إِيَّا» ёрдамчи сўзи билан ишлатиш мумкин:

أَرْجُوكَ - сендан сўрайман;

إِيَّاكَ أَرْجُوكَ - сенинг ўзингдан сўрайман;

طَرَدْتَنَا - бизни ҳайдадинг;

إِيَّانَا طَرَدْتَنَا - бизни (ўзимизни) ҳайдадинг;

تَرَوَّجْتُهَا - унга уйландим;

إِيَّاهَا تَرَوَّجْتُهَا - худди ўшанга (унинг ўзига) уйландим.

6. ФЕЪЛ

Дарснинг мақсади:

1. Араб тилида феъл борасида маълумот бериш, талабанинг дарсда олган билимларини янада мустаҳкамлаш.

2. Талабаларда нотаниш матн ҳаракатларини қўйиб ўқиш ва уни тўғри таржима қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш

Таянч иборалар: феъл, феъл замонлари, феъл вазнлари, ўтимли феъл, ўтимсиз феъл, аниқ даража, мажҳул даража, ўтган замон, вазн, олд қўшимчалар.

Араб тилидаги феъллар инфинитив (ноаниқ) шаклига эга эмасдир. Шунинг учун Европа ва рус тилларидаги дарсликларда ва луғатларда шартли равишда инфинитив шакли феълнинг 3-шахс, музаккар, бирликдаги шакли билан берилади.

Масалан:

كَتَبَ ، فَرِحَ ، كَبُرَ

Уч ўзакли феълларнинг 1 боби **فعل** вазнида бўлади.

Масалан:

فَعَلَ ، فَعِلَ ، فَعُلَ

Шу боб феълларининг 80 фоизи мана шу вазнда бўлади. Бундан ташқари **فَعَلَ ، فَعِلَ** вазнидаги феъллар ҳам бор.

Масалан:

хурсанд бўлмоқ - **فَرِحَ** ; **كَبُرَ** – катта бўлмоқ

فَعَلَ вазнидаги феълларнинг баъзиси ўтимли, баъзилари ўтимсиз бўлади. Аммо **فَعِلَ** вазнидаги феъллар доимо ўтимсиз бўлади.

Масалан:

كَبُرَ – катта бўлмоқ

Баъзи ўтимсиз феъллар предлоглар ёрдамида 2- ва 4- бобларда ўтимли бўлади. Масалан: **ذَهَبَ بَ – ذَهَبَ** «кетмоқ»-ўтимсиз, «олиб кетмоқ» - ўтимли. Унинг таърифи шундай:

Ўтган замон феъли бир иш-ҳаракатнинг ўтган замонда бажариб бўлинганлигига далолатдир. Унинг ажратиб турадиган аломати бирорта ҳаракатли ва сукунли муаннас **تَ** - сени қабул қилишидир.

Масалан:

كَتَبْتُ – мен ёздим

Бу **تَ** ларни «**تاء الفاعل**» - «бажарувчи **تَ**» деб аталади. Муаннас **تَ** сени сукунли бўлсин деб шарт қилинишига сабаб шуки, ҳаракатли муаннас **تَ** ҳам **تَ** каби. Аммо бу **تَ** феълнинг аломати эмас.

Ўтган замон феълини инкор қилиш учун **ما** инкор юкламаси ишлатилади.

Масалан: **مَا كَتَبَ** – у ёзмади

Унга кирган **ما** юкламаси иш-ҳаракатнинг аллақачон бажариб бўлинганлигини билдиради.

ТЎРТ УНДОШЛИ ФЕЪЛЛАР

Араб тилида уч ўзак ундошли феъллар билан бир қаторда тўрт ундош ўзакли феъллар ҳам мавжуд. Улар гарчи уч ундош ўзакли феъллар каби кенг тарқалмаган бўлсада, маълум салмоққа эга.

Тўрт ундош ўзакли феълларнинг ҳосил бўлиш йўллари қуйидагича:

1. Икки ундошдан иборат тақлидий сўзларни икки марта такрорлаш йўли билан.

Масалан:




2. Уч ундош ўзакли феъллар иккинчи бобидаги иккиланганлардан бирининг бошқа ундошга ўзгариши (диссимиляция) йўли билан.

Масалан:



3. Ҳорижий тиллардан кирган тўрт ундош ўзакли отлардан ҳосил бўлади.

Масалан:



4. Айрим ибора ёки бирикмаларни ташкил этган асосий ҳарфлардан қисқартма шаклида ҳосил қилинган тўрт ундошли ўзакдан ҳосил бўлади.

Масалан:

بِسْمَل - «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим» демоқ.

Тўрт ундошли феъллар орасида иккинланган феъллар умуман учрамайди. Ҳамзали феъллар, шунингдек, таркибида иллатли ҳарф

мавжуд бўлган феъллар эса тўғри феъллар қатори учраб туради. Лекин бу феълларда иллатли ҳарфларга иллатли ҳарф сифатида қаралмайди. Ҳамда бу феълларнинг тусланиши тўғри феълларникидан фарқ қилмайди.

Масалан: **أَمَرَكَ** - америкалаштирмоқ

هَزَوَل - югурмоқ

سَيَّطَرَ - ҳукмрон бўлмоқ

شَيْطَنَ - ёмонлик қилмоқ

دَهَوَنَ - йўрғаламоқ

Тўрт ундошли феълларнинг ҳосила боблари

Тўрт ўзакли феълларнинг 4 та боби мавжуд.

1 боб феълининг ўтган замон вазни **فَعَّلَ** бўлиб, у шахс сонда қуйидагича тусланади:

Шахс	Жинс	Кўплик	Иккилик	Бирлик
I		فَعَّلْنَا	-	فَعَّلْتُ
II	МЗ. МН.	فَعَّلْتُمْ فَعَّلْتَنَ	فَعَّلْتُمَا	فَعَّلْتَ فَعَّلْتِ
III	МН. МН.	فَعَّلُوا فَعَّلْنَ	فَعَّلَا فَعَّلَتَا	فَعَّلَ فَعَّلَتْ

Ўтган замон феълининг мажхул даражаси **فُعِّلَ** вазнида бўлади.

Тўрт ўзакли феъллар 1-бобининг ҳозирги-келаси замон аниқ даражаси **يُفَعِّلُ** вазнида бўлади. Мажхул даражси эса **يُفَعِّلَ** вазнида бўлади.

Замон категорияси

Ўтган замон феъли бир иш-ҳаракатнинг ўтган замонда бажариб бўлинганлигига далолат қилувчи феълдир.

Уч ундошли феълларнинг ўтган ва ҳозирги-келаси замони қуйидаги олти вазнда келади:

1. **فَعَلَ**

2. **فَعِلَ**

3. **فُعِلَ**

4. **يَفْعَلُ**

5. **يَفْعِلُ**

6. **يَفْعُلُ**

Агар ўтган замон шаклининг ўрта ундоши даммали бўлса, ҳозирги-келаси замонда ҳам даммали бўлади.

Масалан:

كَبَّرَ – يَكْبُرُ

Ўтган замонда феълнинг ўрта ундоши касрали бўлса, ҳозирги-келаси замонда у кўпинча фатҳали бўлади.

Масалан: شَرِبَ – يَشْرَبُ

Ўтган замонда феълнинг ўрта ундоши фатҳали бўлса, ҳозирги-келаси замонда у кўпинча фатҳали ёки даммали бўлади.

Масалан: كَتَبَ – يَكْتُبُ

Ҳозирги-келаси замон феълларининг инкор шакли учун لا инкор юкламаси, баъзан ما инкор юкламаси ишлатилади.

Масалан:

ёзмапти, ёзмайди - لَا يَكْتُبُ

Бу феълларнинг мажхул даражаси يُفْعَلُ вазнида ясалади.

Масалан:

يُكْتَبُ - ёзилади

Буларнинг ҳозирги замонидан келаси замонини ажратиш учун ёки سَوْفَ юкламалари қўшилади.

Масалан: سَيَكْتُبُ - у ёзади.

Бу феълларга қўшиладиган قَدْ юкламаси гумон маъносини англатади.

Масалан:

قَدْ يَعْرِفُهُ أَبُوكَ. - Отанг уни танийдиганга ўхшайди

1-машқ. Қуйидаги текстни ўқинг ва ўзбек тилига таржима қилинг:

النص الأول: الجمهورية اللبنانية

لبنان جمهورية صغيرة على الساحل الشرقي للبحر المتوسط ،
تحررت كشقيقتها سوريا في زمن الحرب العالمية الثانية من الاحتلال
الفرنسي ، ويزيد عدد سكانها على ستة ملايين نسمة. إن الأراضي الزراعية
بلبنان قليلة المساحة وأهمها سهل البقاع والسهل الساحلي والسفوح
الغربية للجبال وبعض الأودية وأهم الغلات الزراعية الحمضيات والعنب
والموز والتفاح والبرقوق والكمثرى والمشمش.
تمتاز جبال لبنان باعتدال مناخها وخاصة في الصيف وجمال
مناظرها الطبيعية فغابات الصنوبر والأرز تكسو جبالها، والأزهار الجميلة
تنمو في الربيع والصيف والثلج يكسو قمم الجبال في الشتاء ولذا يؤمها في
الصيف ألوف من سكان الشرق الأوسط للتمتع بتلك المناظر الجميلة
وذلك الجو البديع

2-машқ. Қуйидаги сўз ва ибораларни ёд олинг:

احفظ الكلمات والعبارات الآتية:

Озод бўлмоқ	تَحَرَّرَ
Биродар	شَقِيقٌ

Иккинчи жаҳон уруши	الْحَرْبُ الْعَالَمِيَّةُ الثَّانِيَّةُ
Босиб олиш, оккупация	اِخْتِلَالٌ
Қиялик, ёнбағир, тоғнинг этаги	سَفْحٌ (سُفُوحٌ)
Тоғ	جَبَلٌ (جِبَالٌ)
Водий	وَادٍ (أُودِيَّةٌ، وَدْيَانٌ)
Ғалла, донли ғалла	غَلَّةٌ
Цитрус мевалар	حَمَضِيَّاتٌ
Узум	عِنَبٌ
Банан	مَوْزٌ
Олма	تَفَّاحٌ
Олхўри	بَرْقُوقٌ
Нок	كُمَثْرَى
Ўрик	مِشْمِشٌ
Иқлим	مَنَاخٌ
Ўрмон	غَابَةٌ
Санавбар , пиния	صَنْوَبَرٌ
Гуруч	رُزٌ
Қор	ثَلْجٌ (ثَلُوجٌ)
Киймоқ, ёпмоқ	كِسَا (كَسُو) (ي)
Юқори, юқори қисм, чўққи	قِمَّةٌ (قِمَمٌ)
Роҳатланмоқ	تَمَتَّعَ

3-машқ. Матн юзасидан топшириқлар:

1. Матндаги янги сўзларни ўзлаштириб, уни таржима қилинг.

2. Матннинг мазмунини сўзлаб беринг ва матн юзасидан саволлар тузинг.

3. Матнда учраган феълларни топинг.

4-машқ. Қуйидаги парчада нуқталар ўрнига тушириб қолдирилган сўзларни қўйинг:

...صغيرة على الساحل الشرقي للبحر المتوسط ، تحررت كشيقتها ...لبنان
سكانها على ستة ... ، ويزيد ...في زمن الحرب العالمية الثانية من الاحتلال
ملايين نسمة. إن الأراضي الزراعية بلبنان قليلة المساحة وأهمها سهل
والسفوح الغربية للجبال وبعض الأودية وأهم الغلات ...والسهل ...
.... و...والموز والتفاح والبرقوق و...و...الزراعية

5-машқ. Қуйидаги текстни ўқинг ва ўзбек тилига таржима қилинг:

النص الثاني: الضفدع والملك

اشتدّ الجفاف في إحدى الدول حتى كاد أهلها يهلكون من شدّة
العطش، وكان في عاصمة الدولة خزّان ضخّم يسقي منه الناس، وفي يوم
لاحظ حارس الخزّان تسرّباً في أحد جذرانه، فركض إلى الملك وأخبره،
فخرج الملك مع نفر لمشاهدة التسرّب، ولكنه لم ير أثراً له. فقد كان مكان
التسرّب الذي رآه الحارس جافاً تماماً. وبعد أيّام عاد التسرب مرة أخرى،

وحين أخبره الحارس بذلك خرج الملك مع عدد من المهندسين الذين صعدوا إلى الخزان، فوجدوا مكان التسرب وقد أغلق لأن ضفدعا كبيرا كان يجلس فوق الثقب ويسدّه، وحين همّ المهندسون بقتل الضفدع قال لهم الملك: دعوه، فهو صاحب فضلٍ علينا، لأنه أوقف التسرب طيلة هذه الأيام.

6-машқ. Қуйидаги сўз ва ибораларни ёд олинг:

احفظ الكلمات والعبارات الآتية:

Кучли бўлмоқ, кучаймоқ	إِشْتَدَّ
Қурғоқчилик	جَفَافٌ
Ҳалок бўлмоқ, ўлмоқ	هَلَكَ (ي)
Ташналик, чанқоқлик	عَطَشٌ
Сақловчи, асровчи, қўриқчи, соқчи	خَازِنٌ (خَزَانٌ)
Сув бермоқ, сув ичирмоқ	سَقَى (ي)
Пойлоқчи, қўриқловчи	حَارِسٌ
Югурмоқ, чопмоқ	رَغَضَ
Шоҳ, қирол	مَلِكٌ (مُلُوكٌ)
Бир нече киши, гуруҳ	نَفَرٌ (أَنْفَارٌ)
Сизиш, сизиб оқиш, оқиб кетиш	تَسَرَّبَ
Қурбақа	ضَفْدَعٌ (ضَفَادِعُ)
Тешик, ёриқ, туйнук	ثُقْبٌ (ثُقُوبٌ، أَثْقَابٌ)
Қатил қилиш, қатл	قَتَلَ

7-машқ. Матн юзасидан топшириклар:

1. Матндаги янги сўзларни ўзлаштириб, уни таржима қилинг.
2. Матннинг мазмунини сўзлаб беринг ва матн юзасидан саволлар тузинг.
3. Матнда учраган феълларни топинг.

8-машқ. Қуйидаги парчада нуқталар ўрнига тушириб қолдирилган сўзларни қўйинг:

...فقد كان مكان ... الذي رآه ... جافاً تماماً. وبعد أيام عاد ... مرة أخرى،
وحين أخبره ... بذلك خرج ... مع عدد من المهندسين الذين صعدوا إلى
الخزان، فوجدوا مكان ... وقد أغلق لأن ضفدعا كبيرا كان يجلس فوق ...
ويسدّه، وحين همّ المهندسون بقتل ... قال لهم ...: دعوه، فهو صاحب ...
علينا، لأنه أوقف ... طيلة هذه الأيام.

9-машқ. Қуйидаги мақолни ўқинг, таржима қилинг ва ёдга олинг:

إن الجواد قد يعثر.
عندما تفشل الكلمات تتكلم الموسيقى.
الأمّ تصنع الأمة.

10-машқ. Қуйидаги текстни ўқинг ва ўзбек тилига таржима қилинг:

النص الأول: شجرتي

أنا زرعت شجرة برتقال في حديقة بيتي، وأخذت أتفقدّها كلّ صباح ومساءً، فإذا تأخر نزول المطر أسقيها بيدي من مائنا الذي نشرب منه.

وبعد سنتين اثنتين كبرت الشجرة وتفتّحت على أغصانها أزهار بيضاء وصفراء ذات رائحة عطرة ملأت جوّ الحديقة و المنزل عطرا منعشا.

ثمّ تحوّلت هذه الأزهار إلى ثمار صغيرة أخذت تكبر شيئا فشيئا، وتحولّ لونها من أخضر إلى أحمر برتقاليّ. فبدأت أنا وإخوتي بقطاف الثمار، نأكل منها ونطعم الأهل والجيران في كلّ عام.

ألا ما أسخى شجرتي ! ! وما أزكى رائحتها!! وما أطيب ثمارها!

فتعالوا معي يا أولاد لنحفر في حديقة المدرسة الحفر، ونزرع فيها الشجر ونرعاها ونتعهّدها كما نرعى ونتعهّد إخوتنا الصغار.

11-машқ. Қуйидаги сўз ва ибораларни ёд олинг:

احفظ الكلمات والعبارات الآتية:

Келиб кўрмоқ, назорат қилмоқ	تَفَقَّدَ
Кечикиб қолмоқ	تَأَخَّرَ

Очилмоқ, гулламоқ	تَفَتَّحَ
Ҳид, бўй, ёқимли ҳид	رَائِحَةٌ (رَوَائِحُ)
Атир, эсенция	عِطْرٌ (عُطُورٌ, أَعْطَارٌ)
Муаттар бўйли, хушбўй	عَظْرٌ
Тўлдирмоқ	مَلَأَ (a)
Айланмоқ, ўзгармоқ	تَحَوَّلَ
Йиғим-терим, ҳосилни узиш	قَطَفَ
Қўшни, қадрдон	جَارٌ (جِيرَانُ)
Сахий, саховатли	سَخِيٌّ (أَسْخِيَاءُ)
Кавламоқ, қазимоқ	حَفَرَ (y)
Чукур, чоҳ	حُفْرَةٌ (حُفْرٌ)
Қарамоқ, ғамхўрлик қилмоқ	تَعَهَّدَ
Ғамхўрлик қилмоқ, эҳтиёт қилмоқ	رَعَى (a)

3-машқ. Матн юзасидан топшириқлар:

1. Матндаги янги сўзларни ўзлаштириб, уни таржима қилинг.
2. Матннинг мазмунини сўзлаб беринг ва матн юзасидан саволлар тузинг.
3. Матнда учраган бирикма олмошларни топинг.

4-машқ. Қуйидаги парчада нуқталар ўрнига тушириб қолдирилган предлогларни қўйинг:

أنا زرت شجرة برتقال ... حديقة بيتي، وأخذت أتفقدّها كلّ صباح ومساءً، فإذا تأخر نزول المطر أسقيها...يدي ... مائنا الذي نشرب...هـ.
و... سنتين اثنتين كبرت الشجرة وتفتّحت ... أغصانها أزهار بيضاء وصفراء ذات رائحة عطرة ملأت جوّ الحديقة و المنزل عطرا منعشا.
ثمّ تحوّلت هذه الأزهار ... ثمار صغيرة أخذت تكبر شيئا فشيئا، وتحوّل لونها ... أخضر ... أحمر برتقاليّ. فبدأت أنا وإخوتي ...قطاف الثمار، نأكل...ها ونطعم الأهل والجيران...كلّ عام.

5-машқ. Қуйидаги текстни ўқинг ва ўзбек тилига таржима қилинг:

النص الثاني: الشمس

كان الجوّ باردا والشتاء قاسيا فقال أحمد لصديقه إبراهيم: هيا بنا نذهب إلى بستان المدينة لندفئ أجسامنا بحرارة الشمس ولنمتّع انفسنا بجمال الكون.

قال إبراهيم: يا أحمد لا مانع عندي هيا بنا الان نذهب إلى البستان.
ووصل الصديقان إلى البستان ثمّ جلس على مقعد وكانت أشعة الشمس دافئة. قال أحمد: ما أجمل أشعة الشمس، وما أعظم دفئها. قال

